

---

## ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ ФАРҶОНАДА ЮКЛАГИЧ ТЕХНИКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “Shandong Hualiang Heavy Industry Machinery” компанияси вакиллари Гай Гуошуай ҳамда Чен Хонглианни қабул қилди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги делегациянинг жорий йил январь ойида Хитойга амалий ташрифи давомида ўтказилган музокараларда эришилган келишувлар доирасида вилоятимизга келган Хитой компанияси вакиллари билан учрашувда Фарғонада юклагич техникалари ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳасини амалга ошириш ҳамда Экошаҳар ҳудудида 20 қаватдан юқори турар-жойлар мажмуаси барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Қиймати 20 млн. доллар бўлган ушбу лойиҳа юклагич техникаларини ишлаб чиқариш билан бирга эҳтиёт қисмларининг локализацияни ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариладиган техникалар янги Ўзбек бренди билан ички ва ташқи бозорга йўналтирилади.

Шунингдек, Экошаҳар ҳудудида 20 қаватдан юқори турар-жойлар мажмуаси барпо этиш бўйича ўз концепцияларини вилоят ҳокимига тақдим этган Хитой вакиллари, кўп қаватли уйлар учун зарур технологик шартларни ҳисобга олган ҳолда, бетон қоришмаси ишлаб чиқариш корхонаси режаларини ҳам маълум қилдилар. Бунда компания томонидан барпо этиладиган уйларда юқори сифатни таъминлаш билан бирга, шаҳар ҳудудида 20-30 қаватли бинолар қуришга киришаётган бошқа қурилиш компанияларига ҳам талаб этиладиган сифатдаги бетон қоришмасини етказиб бериш имконияти шаклланади.

Вилоят ҳокими ушбу лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов ҳамда вилоят ҳокимининг Фарғона ва Хитой ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Отахон Хайруллаев ҳам иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-12 11:02:30